**1904305463 - СОН**
**МОБИЛ АЛОКА ХИЗМАТЛАРИ КУРСАТИЛИШИ ТУТРИСИДА**
**АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ**

*Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкилотлари, якка тартибдаги тадбиркор ва конун ужжатларига кура, юридик шахсни ташкил этмасдан фаолият юритувчи фукаролик-хукукий муносабатларнинг бошка иштирокчилари) учун*

20.01.2022 йил Тахтакупир тумани

“Узбектелеком” акциядорлик компанияси (кейинги уринларда матнда - Компания деб юритилади) номидан 30.12.2021 йилдаги №27-01-14/6020 - сонли ишончнома асосида фаолият юритувчи Компаниянинг "УзМобайл" филиали директори С.С. Фахрутдинов, бундан буен “Оператор” деб номланувчи, бир томондан ва Тахтакупир давлат урмон хужалиги номидан Устав ва 2018 йил 27-август №16 гувохнома асосида фаолият юритувчи директори Б.Турибаев, бундан буен “Абонент” деб номланувчи, иккинчи томондан, биргаликда “Томонлар” деб юритилади, телекоммуникация хизматларини курсатиш тугрисида Абонент шартномасини (кейинги уринларда матнда - Шартнома деб юритилади) куйидагилар хакида туздилар:

## 1. Шартнома предмета

1.1 .Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

-Операторнинг www.uztelecom.uz расмий веб-сайтида эълон килинган Узбекистон Республикаси фукаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофик “Узбектелеком” акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини курсатиш тутрисида абонент шартномасини тузишга расмий оммавий таклифи булган Оммавий офертаси (кейинги уринларда - Оферта) шартлари билан тулик танишиб чикканлигини тасдиклаб, ушбу Оферта шартлари асосида Оператор билан мобил алока хизматларини курсатилиши тутрисида шартнома тузади;

-Оператор томонидан курсатиладиган мобил алока хизматлари учун Абонент Дастлабки аванс туловини амалга ошириши ва тулов фактини тасдикловчи тегишли молиявий хужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сузсиз кабул килиши (акцептини) хисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида курсатилган максадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сунг, Оператор Абонентга идентификация ракамини беради. Идентификация раками берилганидан сунг, Абонент, Оператор томонидан такдим этиладиган хизматлар руйхати доирасида уз танловидан келиб чикиб, Дастлабки аванс туловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат курсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури мавжудлигидан келиб чиккан холда белгиланади.

## 2. Томонларнинг ХУКУК ва мажбуриятлари

2.1.Оператор ушбу Шартномани имзолаган вактдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгилаган хукук ва мажбуриятларга эга булади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вактдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган хукук ва мажбуриятларга эга булади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал килиш даврида, узаро хамкорликда фаолият юритишда умумэътироф этилган маданиятга амал килинган холда, уз хукук ва мажбуриятларига катъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

## 3. Хисоб-китоб ва туловлар тартиби

Мазкур Шартнома буйича Офертанинг 6-моддасига мувофик, мобил алока хизмати учун ушбу Шартнома асосида Хизматлар курсатилишидан олдин туловни амалга ошириш (Prepaid) тизими шартлари татбик этилади ва ойлик хисоб 100 (юз) фоиз микдорида олдиндан туланади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор Хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан хисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада курсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вактда белгиланган барча соликлар ва йигимларни уз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тулови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб 3 (уч) банк куни мобайнида амалга оширилади.

Илк бор уланишда Абонент тулови 100 (юз) фоиз микдорида олдиндан туланади. Дастлабки аванс тулови олдиндан тулов буйича талабнома (хисоб) асосида амалга оширилиши мумкин.

3.4. Бюджет ташкилоти булган Абонент учун Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури буйича) мувофик курсатилган хизматлар хажми билан белгиланади.

Шартноманинг умумий суммаси (ККСни хисобга олган холда) **360 000 ,0 ( уч юз олтмиш минг сум) сумни ташкил этади.**

Абонент туловини хамда **360 000,0 (уч юз олтмиш минг )** сум микдоридаги бир марталик туловни уз ичига олади.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган такдирда, ортикча сумма Томонлар уртасида имзоланган кушимча келишув/такдим этилган хисоб-фактура асосида туланади.

3.5. Абонент кейинги хисоб-китоб даври (хисобот ойи) бошлангунга кадар олдиндан туловнинг 100 (юз) фоиз шарти билан хар ойда Хизматлар учун туловни амалга оширади. Ушбу тулов Шартноманинг 8-моддасида курсатилган Операторнинг шахсий хисоб ракамларига пул маблагларини курсатилган хизматлар хисобига олган холда, танланган хажм ва тарифлар/тариф режаларига мувофик утказиш йули билан амалга оширилади.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) хисоб ракамида хизматлар курсатиш учун етарли маблаг булмаса, Оператор ушбу Шартнома буйича хизматлар курсатилишини тухтатади.

3.7.Оператор томонидан уланган ва такдим этилган Хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу Хизматлар учун туловларни амалга оширмаслигига асос була олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор Хизматларидан фойдаланишни вактинча тухтатишни, шунингдек, хисобот даври (календарь ойи) учун исталмаган туловларнинг олдини олишни истаса, Абонент хисобот ойининг 1-кунидан олдин 3.8.Оператордан бонуслар куринишида реклама акциялари доирасида Абонентга такдим этилган барча маблаглар факат Оператор Хизматлари учун туланиши мумкин ва Шартнома бекор килинганда Абонентга пул шаклида туланмайди ёки кайтарилмайди.

3.9.Оператор томонидан такдим этилган Хизматлар, Шартномага мувофик Хизмат учун алосида расмийлаштириладиган хисоб-фактура билан ёпилади. хар бир хисоб-фактурада такдим этилган хизматларнинг тулик календарь ойи учун умумий микдори курсатилади.

3.9.1.Агар Абонент **10 (ун) иш куни** мобайнида Оператор томонидан такдим этилган хисоб-фактура буйича уз эътирозларини ёзма ёки электрон шаклда такдим этмаса, ушбу Хизмат тури буйича хисоб-фактура кабул килинган ва Хизматлар тегишли тарзда курсатилган деб хисобланади. Абонентнинг эътирозлари асослантирилган такдирда. Оператор кейинги календарь ойида такдим этиладиган Хизматлар учун тулов талабномасида (хисобида, хисоб-фактурада) тегишли тузатишларни амалга оширади.

3.Ю.Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибда, Абонентнинг Шахсий (электрон) хисоб ракамининг баланси салбий булганида **1 (бир) календарь ойдан** ошмаган муддатга Абонентнинг кафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга Хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

## 4.Томонлар жавобгарлиги

4.1.Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофик белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Узбекистон Республикаси конун хужжатларида хамда Офертада назарда тутилган тартибда ва микдорларда жавобгар булади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш холатлари бундан мустасно).

## 5. Низоларни хал килиш тартиби

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боглик масалалар буйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Узбекистон Республикаси конунчилигига мувофик хамда низоларни судгача хал этиш тартибига риоя килинган холда узаро келишув оркали хал килинади.

5.2. Томонлар уртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни узаро келишув оркали хал этишнинг имкони булмаган такдирда, низолар Узбекистон Республикаси конун хужжатларига мувофик иктисодий судида куриб чикилади.

## 6.Алохида шартлар

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал килиш даврида уз хукуклари ва мажбуриятлари билан боглик равишда Узбекистон Респбликасининг коррупцияга карши курашишни тартибга солувчи конун хужжатлари нормаларини бузиши мумкин булган хар кандай чоралар курмасликлари ёки хатти-харакатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини катъий эътироф этган холда, узаро хамкорлик маданиятини юкори даражада таъминлаш ва коррупция холатларига муросасиз курашиш чораларини куради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал килиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боглик булмаган хар кандай холатларда ва ходисаларда (енгиб булмайдиган кучлар/форс-мажор холатлари) Офертанинг 10-моддаси коидаларига амал килинади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда такдим этилган ариза/эътирозонома/шикоят/таклиф куринишидаги мурожаати купи билан 30 (уттиз) кун.

6.4. давомида куриб чикилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни куриб чикиш учун 15 (ун беш) кундан ортик муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу хакда

мажбурий равишда хабардор килинади.

**7. Якуний Коидалар**

7.1. Ушбу Шартноманинг барча мухим шартлари Офертага мувофик белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган холларда Томонлар Узбекистон Республикаси конун хужжатларига амал килади.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар уртасида имзоланган пайтдан бошлаб, кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга кадар амал килади.

Агар, Шартноманинг белгиланган амал килиш муддати тугаганидан сунг, Томонлар (бюджет ташкилоти булган Абонентга татбик этилмайди) уз шартларини бажаришни давом эттирса ва Томонларнинг хеч бири унинг бекор килинишини эълон килмаган булса, Шартнома хар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. Бюджет ташкилоти булган Абонент учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида руйхатга олинган кундан бошлаб
кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга кадар амал килади.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Оферта акцептини (Абонентнинг Оферта шартларини кабул килганлиги хакидаги жавобини) билдиради.

7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон килинган Оферта, илова ва кушимчалар (агар мавжуд булса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент уртасида тулик Шартномани ташкил этади.

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис хужжатлари (мулкдорлари) узгарган такдирда, шу жумладан ташкилий-хукукий шаклининг узгариши ва бошка узгаришлар руй берган такдирда, Шартнома уз кучида колади. Томонлар бундай узгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, 10 (ун) календарь кун ичида бир-бирларини хабардор килишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага узгартиришлар ва кушимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган булса) ва ушбу харакатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган хамда Томонларнинг мухрлари (мавжуд булган такдирда) билан тасдикланган булса, хакикий хисобланади.

7.6. шбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган (хар бир Томон учун битта нусхадан берилади).

**8.Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:**

**Оператор:**

"Узбектелеком" АК "УзМобайл" филиали
Манзил: 100015, Тошкент шахри, Чилонзор тумани, Бунёдкор шох кучаси, 8 уй
СТИР: 203366731
МФО: 00401
ИФУТ: 61100
Х/р: 20210000104074838076 АТБ "Алокабанк"
Тел.: 998367757, 998367767 e-mail: corporate@uzmobi

**Оператор номидан:**
_____________ С.С. Фахрутдинов.
(имзо)

**Абонент:**

Мижоз: Тахтакупр давлат урмон хужалиги
Манзил: Узбекистон Республикаси, Коракалпогистон Республикаси, Тахтакупир тумани, ДАБЫЛОВ А., уй. 4
Банковские реквизиты: 23210000300100001010
ш/х 100021860352307042203142001
МФО: 00014, Г.ТАШКЕНТ, РКЦ ГЛ.ГОР.УПРАВЛЕНИЯ ЦБ
ИНН:201122919
ИНН: 200390025

**Абонент номидан:**
Б.Турибаев.